

Кўлёзма ҳуқуқида  
ББК: 39.38 (5У)

**Матчонов Ҳоким Садуллаевич**

**Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари  
мажмуасини бошқаришни такомиллаштириш**

**08.00.05. - «Менежмент» ихтисослиги**

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2004**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги  
Олий бизнес мактабининг «Менежмент» кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори  
**Юлдашев Ш.Ф.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори  
**Рахимова Д.Н.**

иктисод фанлари номзоди  
**Хашимов С.А.**

**Етакчи ташкилот:** Г.В.Плеханов номидаги Россия  
Иқтисодиёт академиясининг  
Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация 2004 йил 20 маю соат 14<sup>30</sup> да Ўзбекистон  
Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш  
учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02 рақамли Бирлашган  
иҳтинослашган кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

## I. Диссертациянинг умумий тавсифи

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Мустақиллик йилларида давлат ва жамият, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни бошқаришининг янги тизимини яратиш борасидаги кўплаб муваффақиятлар Ўзбекистонда ислоҳотларнинг янги босқичларига ўтиш учун салмоқли замин яратди.

Миллий иқтисодиётдаги ислоҳотлар замонавий менежментни ўзининг турли ўйналишларида, жумладан, транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида ҳам жадал ривожлантиришни ва жорий этишни талаб этмоқда, чунки бугунги кунда, айнан транспорт харажатлари экспорт-импорт операцияларининг самарацорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар.

Ҳақиқатдан ҳам Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон ва бошқа қатор Марказий Осиё давлатлари бевосита денгиз коммуникацияларига олиб чиқадиган йўллар йўқ бўлган шароитнинг накадар мураккаб эканини чукур хис килади. Кўпинча экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг йўл харажатлари маҳсулотнинг ўзидан ҳам қимматга тушиб кетади. Бу экспортни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, ҳаётий муҳим маҳсулотлар импортини эса қимматлаштириб қўймоқда»<sup>1</sup>.

Жаҳон миқёсидаги икки томонлама фойдали алоқаларнинг кенгайиши республикамиз транспорт корхоналари ва экспедиторлик ташкилотларидан юкларни ташишни замон талаблари асосида ташкил қилиш ва бу жараёнларни самарали бошқариш асосларини яратишни талаб қилади. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ишлаб чиқариш ва истеъмол аҳамиятига эга бўлган товар оқимларини айирбошланишини кўзда тутади. Бу эса миллий иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида транспорт хизматларини жадал ривожлантиришни талаб этмоқда.

Республикамиздаги юк транспорти паркининг тор доирадаги фаолият турларига ихтисослашганлиги, транспорт воситалари паркини янгилаш, транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятини, тариф сиёсатини самарали бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш муаммоси жаҳонда ривожланган, тезкор ўйналишларда турли контейнерларда юк ташишга асосланган самарали транспорт технологияларидан кенг кўламда фойдаланиш имкониятини бермаяпти. Бундан ташқари, харакатдаги техника эскириш даражасининг юкорилиги юк ташиш харажатларининг қимматлашишига олиб келиб, ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Бу, айниқса, транспорт хизматларини кўрсатувчи автокорхоналаримизни ички ва ташки бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини кескин пасайишига сабабчи бўлмоқда.

Транспорт соҳаси ўз хусусиятларига кўра республикамизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда бу соҳанинг мақсадлари нафақат иқтисодий ўсиш учун зарур шароитларни яратишга, балки мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлиги ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т.7. — Т.: «Ўзбекистон» 1999., 176-бет.

фуқароларнинг талаб даражасидаги ҳаёт тарзини таъминлашга, миллий иктиносидётнинг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини янада тўларок, сифатли ва ўз вактида кондиришга, оптимал харажатлар эвазига унинг экспорт салоҳиятини таъминлашга каратилгандир. Кўрсатиб ўтилган мақсадни амалга ошириш бир томондан, транспорт мажмуасини жадал ривожлантиришни, иккинчи томондан, бу соҳада логистик менежментни такомиллаштиришни талаб этади.

Транспорт хизматлари кўрсатиш мажмуасида логистик менежментни ривожлантиришни ҳеч иккilanмай келгуси замон технологияси деб айтишимиз мумкин. Шу боисдан ҳам транспорт логистикаси соҳасида эришилган назарий ва амалий ютуклардан ўринли ва унумли фойдаланиш республикамиздаги транспорт корхоналари фаолиятининг самарацорлигини кескин ошириш билан бирга, мазкур тизимнинг умумжаҳон транспорт коммуникациялари тизимиға муваффакиятли интеграллашувига катта ёрдам беради.

Хозирги кунда бутун дунё миқёсидаги ижтимоий-сиёсий ва иктисолий тараққиёт шунчалик жадал ривожланиб бормоқдаки, ташкилий тузилмалар фаолиятини бу хилдаги динамик жараёнлар суръатига мос равиша ўзгартириш масаласи ўз-ўзидан ниҳоятда долзарб муаммолар қаторига киритилмоқда. Шу муносабат билан транспорт воситалари ёрдамида юк ташиш ҳажмлари даражасини ва маҳалий юкларни ҳамда пассажирларни ташувчи субъектлар, экспедиторлар фаолиятининг самарацорлигини кескин ошириш вазифаси кўндаланг турмокда.

Бу вазифалар, ўз навбатида, тадқиқот мавзусини танлаш ва уни мантикий асослаш учун замин яратди.

Хўжалик тузилмаларини самарали бошқариш муаммолари замонавий менежмент асосчилари томонидан XX асрнинг ўтгизинчи йилларидан бошлаб дикқат билан ўрганила бошланди. Тадқиқотларга Ч.Бернард, Ф.Герцберг, А.Горц, П.Друкер, К.Дэвис, Ж.Коттер, Ф.Котлер, Ж.Коул, Д. Мак-Грегор, Д. Мак Клелланд, Э.Мэйо, А.Маслоу, М.Мескон, В.Аучи, Т.Петерс, М.Портер, Д.Томпсон, Р.Уотермен, Ф.Хедоури, Б.Чейз, Ф.Якобс ва бошқа кўплаб олимлар катта ҳисса қўшилар.

Ўзбекистонда самарали менежмент муаммоларининг қатор жиҳатлари Қ.Х.Абдураҳмонов, Ё.Абдуллаев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Исмоилова, А.М.Қодиров, Ф.Қосимов, Л.П.Максакова, Х.Муродова, Р.М.Мухиддинов, А.Х.Пардаев, А.Ф.Расулов, Д.Н.Раҳимова, Ж.Т.Рўзиев Г.К.Сайдова, М.А.Насритдинова, Э.Ғ.Набиев, М.Л.Турсунхўжаев, М.Ш.Шарифхўжаев, Ш.Р.Холмўминов, Н.Хўжаев, Ш.Ғ.Юлдашев каби кўплаб олимларимизнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Менежментнинг учта асосий бўлимдан ташкил топган тизими хозирда кенг тарқалган бўлиб, улар фирма миқёсидаги бошқарув, ишлаб чиқариш ва операцион бошқарув ҳамда персонални бошқаришдан иборатdir. Кейинги вактларда менежмент муаммоларига логистика нуктаи-назаридан ёндашиш муаммолари ҳам янада аҳамиятли бўлиб бормоқда. Қатор етакчи олимлар —Ш.Ван Роста, Е.А.Голиков, Л.Б.Миротин, И.Э.Тешабоев, А.И.Семененко, В.И.Сергеев, Ж.Шевалье ва бошқаларнинг илмий ишларида менежмент ривожланишининг янги йўналиши сифатида бевосита

логистик тизим билан алоқадор бошқарув услублари илгари суримокда. Бу айникса, транспорт хизмати мажмуаси билан боғлиқ хўжалик тармокларида долзарб ҳисобланади.

Республикамизда Ж.Рўзиев, Ф.Косимовларнинг логистика муаммоларига бағишлиган илмий асарлари ҳамда Л.Вильданова, Л.Гуро, И.Давлетова, М.Зияев, Ю.Идрисов ва Г.Финаеваларнинг дастлабки илмий маколалари чоп этилган.

Шу билан бир каторда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида республикамиз олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлмиш — транспорт хизматларини кўрсатиш соҳаларининг самарадорлиги бу соҳада замонавий бошқарув, жумладан, логистик менежмент, услубларини жорий этиш ва такомиллаштириш масалалари ҳозирча тұла ўз ечимини топгани йўк.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида транспорт хизматлари мажмуасидаги импорт ва экспорт юкларини ташиш жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Илмий тадқиқотнинг бош максадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотларда транспорт хизматларининг роли ва ўрнини аниқлаш;
- Марказий Осиё минтақасидаги транспорт инфратузилмасининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- транспорт хизматларининг турлари ва йўналишлари бўйича интеграциялашув жараённига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш;
- эркинлаштирилган иқтисодий тизимда менежментни самарали ташкил этиш мезонларини аниқлаш;
- менежмент соҳасида логистика концепцияларининг ривожлантирилишини ўрганиш;
- мультимодал юқ ташиш тизимлари билан боғлиқ замонавий назарий ёндашувларни амалиёт билан уйгунлаштириш йўлларини аниқлаш;
- транспорт хизматларини ривожлантириш бўйича логистика стратегиясини ишлаб чиқиш;
- логистика марказлари тизимини ташкил қилиш заруриятини асослаб бериш;
- транспорт хизматлари бозорида миллий юқ ташувчиларнинг ракобатбардошлигини ошириш усулларини аниқлаш.

**Тадқиқот обьекти.** Ўзбекистон Республикаси транспорт хўжаликлари мажмуасидаги автокорхона ва ташкилотларнинг экспорт-импорт юкларини ташиш соҳасидаги фаолияти тадқиқ этилган.

**Тадқиқот предмети.** Логистик менежмент принципларига асосланган ҳолда транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий менежментни шакллантиришнинг назарий муаммоларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари** сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш борасидаги концептуал

қарашлари, шу жумладан, мавзу йўналишида билвосита ва бевосита тадқиқот олиб борган республикамизнинг ва хориждаги олимларнинг асарлари диссертациянинг назарий асослари хисобланади.

Шунингдек, диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг Конунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларидан, Вазирлар Мажкамасининг карорларидан, Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон халқаро экспедиторлар ассоциациясининг маълумотларидан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари, халқаро иқтисодий ташкилотларнинг расмий ва электрон ахборот воситалари томонидан эълон қилинадиган таҳлилий хужжатларига ва хulosаларига ёндошув берилди.

Тадқиқот методи сифатида илмий абстракция, тизимли ёндошув, функционал-тузилмавий таҳлил ва ўзаро таққослаш усуllibаридан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги миллий иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари шароитида транспорт хизматлари мажмуасида самарали менежментни шакллантириш ҳамда логистик менежмент тамойилларига асосланган ҳолда мақсадли йўналтирилган тизимли бошқарув концепциясининг асосий йўналишларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижасида олинган илмий янгиликларнинг мазмуни куйидагилардан иборат:

- яқин келажакда иқтисодий ривожланишининг ўзбек моделини амалга оширишда транспорт хизматларига, жумладан ички ва ташки йўналишларда, бўлган талабнинг ошиб бориши ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Шу билан бирга таҳлиллар натижасида транспорт ва коммуникация соҳаларида инвестицион фаолликнинг ўсиб бориши билан ялпи миллий маҳсулот таркибида транспорт тармоғи улушининг камайиб бориш тенденциялари ўртасидаги фарқ аниқланди;

- экспорт-импорт юкларини ташиш қиймати ўсиши билан бир вактда уларнинг ҳажмлари ва ассортиментининг кисқариш тенденциялари изоҳлаб берилди. Ушбу хulosалар транспорт хизматларини кўреатиш соҳасида жадал интеграциялашув сиёсатини амалга оширишни талаб этади;

- ички ва ташки бозорлардаги транспорт хизматларини бошқаришда тизимли услубнинг истиқболи аниқланди ва ундан бошқарув самарадорлигига эришишининг бош омили сифатида фойдаланишининг мақсадга мувоффиклиги асослаб берилди;

- транспорт соҳасида ресурслар ҳажмининг ошиб бориши уларни самарали бошқариш мезонлари билан боғлаб олиб борилмаётганлиги, натижада республикамизнинг фаол иштирокида амалга оширилаётган Евроосиё қитъалароро транспорт йўлакларини яратиш ҳозирча мамлакатимиз салоҳиятини ошириш йўлида ҳал этилиши лозим бўлган айrim муаммоларни келтириб чиқараётганлиги исботланди;

- бутунги кунда факатгина логистика транспорт хизматлари мажмуасида самарали менежментнинг тизимли мезонлари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган бошқарув тузилмасини яратиш имкониятини бериши мумкинлиги асослаб берилди;

- транспорт хизматларини интеграциялаштириш омили сифатида транспорт хизматлари мажмусини бошқаришнинг модулли тамойилидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топилди. Шунингдек, транспорт хизматини кўрсатувчи корхоналарда менежмент хизмати даражасини мавжуд коммуникацион тизимга мослаштиришнинг аниқ усуллари таклиф килинди;

- Миллий логистик транспорт корпорациясини ташкил этиш ва логистика Марказлари тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлган аниқ таклифлар ишлаб чикилди. Шунингдек, транспорт хизматлари бозорида миллий юк ташувчилар рақобатбардошлигининг пасайиб боришининг асосий сабаблари ва бу салбий тенденцияларни бартараф этишининг бошқарув билан боғлиқ омиллари ҳам аникланди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, унинг илмий натижаларидан, ишлаб чикилган илмий-амалий хulosалар ва тавсиялардан транспорт хизматларини кўрсатиш мажмусида самарали менежмент услубларини жорий этиш ва унинг мезонларини аниқлашда ҳамда замонавий логистик менежмент концепциясини ишлаб чикишда, юкларни мультимодал услубда етказиб бериш тизимларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда ўз ифодасини топган амалий таклифлардан республикамида Логистик Марказларни яратиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда, Олий ўкув юртларида ва Олий бизнес мактабларида “Менежмент”, «Транспорт логистикаси ва уни бошқариш муаммолари», «Стратегик менежмент» ҳамда «Ташки иқтисодий фаолиятни бошқариш» маҳсус курслари бўйича таълим бериш жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан транспорт-экспедиторлик ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб чора-тадбирларни ишлаб чикишда фойдаланиш мумкин.

**Илмий иш натижаларининг жорий этилганлиги.** Тадқиқот натижасида ишлаб чикилган бир қатор таклиф ва тавсиялар «Бухоро Транс Терминал» ишлаб-чиқариш транспорт компанияси ва Ўзбекистон Халқаро Экспедиторлар Ассоциацияси томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги тўғрисида маълумотномалар берилган (№1627, 19.12.2003й. ва №281-ПО, 18.12.2003й).

**Тадқиқот натижаларини синовдан ва муҳокамадан ўтказилганлиги.** Диссертация ишининг асосий коидалари ва хulosалари бир қатор халқаро конференция, конгресс ва анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан:

1) 2002 йилнинг 26 апрелида «Пятнадцатые международные Плехановские чтения» деб номланган, халқаро конференциясида «Парцельные перевозки в управлении транспортными услугами» мавзусидаги тезис; 2) 2002 йилнинг 11-12 июняда Техрон шаҳрида (Эрон) бўлиб ўтган «Iran Transit 2002» Халқаро форумида «Марказий Осиё давлатлари юкларини Эрон орқали транзит усулда ташишни ташкил этиш йўллари ва истиқболлари» мавзусидаги маъруза; 3) 2002 йилнинг 8-13 сентяброда Стамбулда (Туркия) бўлиб ўтган ФИАТАнинг (Халқаро

экспедиторлик ассоциациялари федерацияси) Бутунжаон Конгрессида «Пахтани транспортда ташиш усулидан ҳалқаро логистика усулига ўтишнинг Ўзбекистон тажрибаси»га бағишлиланган маъруза; 4) 2003 йилнинг 30 январида Ўзбекистон билан Европа Иттифоки ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик дастури доирасида Транспорт муаммоларига бағишлиланган ҳалқаро конференцияда «Ўзбекистонда мультимодал юк ташишларни ташкил килиш ва бошқариш муаммолари»га бағишлиланган маърузалар шулар жумласидан.

Шунингдек, транспорт-экспедиторлик ташкилотлари фаолиятини қайта ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон транспорт коммуникация тизимига интеграциялашуви бўйича ишлаб чиқилган бир катор таклифлар Вазирлар Маҳкамасига тавсия этилган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги ДЖҚА қошидаги Олий бизнес мактаби «Менежмент» кафедрасининг 2003 йил 25 июндаги кенгайтирилган кафедра мажлисида, 2003 йил 29 сентябринда Ташкент давлат автомобил йўллари институтининг «Автомобил-йўл иқтисоди ва бошқарув» факултетининг кенгайтирилган илмий семинарида, 2003 йил 14 октябрда Тошкент давлат техника университетининг «Саноат менежменти» кафедрасининг илмий семинарида ва 2003 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси қошидаги Иқтисодиёт йўналишидаги илмий-услубий семинарларида муҳокамалардан ўтди.

**Нашр қилинган илмий ишлар.** Диссертация мавзуси бўйича 3.8 б.т. ҳажмда 9 та мақола ва 1 та тезис, жумладан 6 та мақола ва 1 та тезис чет эл матбуотида эълон қилинган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Илмий иш кириш қисми, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Диссертация матни 146 саҳифадан иборат бўлиб, унда 12 та жадвал ва 19 та расм берилган.

## 2. Диссертациянинг асосий мазмуни

Иқтисодиётимиздаги ислоҳотлар жараёни бевосита турли мулк шаклидаги хўжалик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётимизни экспорт салоҳиятини ривожлантиришни кўзда тутади. Бу эса ички бозорда ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизни сифатли, ўз вактида ҳамда транспорт харажатларининг оқилона тарифлари ҳисобидан жаҳон бозорларига етказиб бериш муаммоларини ҳал этишда республикамиздаги транспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналардан алоҳида фаолликни талаб этади.

Бугунги кунда транспорт корхоналари нафакат мамлакат иқтисодий хавфисизлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, балки миллий иқтисодиётда самарасиз харажатларни камайтириш эвазига экспорт салоҳиятини кенгайтиришда ҳамда транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини сифатли ва ўз вактида кондирилишига катта эътибор қаратишни талаб этади. Ушбу вазифаларни бажариш учун эса транспорт

мажмусини ривожлантириш ва уларни бошқаришда логистик менежмент услубларидан кенг фойдаланиш зарурдир.

Бу иктисадий ривожланишни таъминлашда транспорт хизматларининг тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради. Бу борада биринчи қадам инвестицион фаолликнинг ўсиши билан транспорт хизматларининг ЯММдаги улуши уни баркарор ривожланишини таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим (1-жадвал).

### 1-жадвал. 1995–2002 йилларда Ўзбекистонда жами инвестициялар ва ЯИМ яратишида транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши\*

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Транспорт ва алоқа соҳасига ажратилган инвестицияларининг улуши, (%)	7,5	17,7	21,0	19,6	13,0	15,2	14,9	15,6
Транспорт ва алоқанинг ЯИМ яратищаги улуши, %	7,3	6,7	5,9	6,2	6,5	8,1	7,8	8,2

\*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1995–2002 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўтган давр давомида транспорт соҳасида ресурслар миқдорининг ўсиб бориши уларни самарали бошқариш билан мутаносиб эмас эди. Шу билан бирга сўнги йилларда юк айланмасини ошиб бориши билан бир қаторда ташилаётган юкларнинг умумий миқдорини камайиши ҳам кузатилмоқда.

Бу ресурслар миқдорининг ўсиб бориши, уларни самарали бошқариш билан мутаносиб эмаслигининг якъол далилидир. Бундан ташқари, кейинги йилларда юк айланмаси ўсиши билан ташладиган юкларнинг умумий миқдорини қисқариш тенденцияси ҳам кузатилмоқда (2-жадвал). Шунинг учун ҳам бутунги кунда айнан транспорт хизматлари мажмусини самарали бошқаришга катта эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

### 2-жадвал. 1998–2002 йилларда Ўзбекистонда транспорт тизимида юклар айланмаси билан боғлиқ асосий кўрсаткичлари\*


	1998	1999	2000	2001	2002
Жўнатилган юклар (млн. т.)	832,7	813,5	795,1	770,7	728,1
Юк айланмаси (млрд. т/км)	44,5	49,9	55,0	55,9	59,9

\*Жадвал ЎРси Давлат статистика қўмитасининг «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1998–2002 г.г.» статистик тўпламларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвалда акс этган маълумотлардаги ўзгаришларни янада якъол тасаввур этиш учун навбатдаги 1-расмни чизамиз. Бунда шу нарса эътиборга лойикки, юк ташиш ҳажмлари қувурлардан ташкари, деярли барча транспорт турлари бўйича қисқарган (3-жадвал). Қувурли етказиб бериш воситаларидан фойдаланиш фаоллигининг ошиши, кўпинча

республикада нефт ва газ қазиб олишнинг кўпайиши билан боғлиқдир.

**1998-2002 йилларда Ўзбекистон Республикасида  
транспорт юк айланмасининг ўсиши ва юк  
ташишлар кискаришининг суръатлари\***



1-Расм

**З-жадвал. 1998–2002 йилларда Ўзбекистон Республикасида  
транспорт турлари бўйича юк ташиш ҳажмлари\***

Транспорт турлари	1998	1999	2000	2001	2002
Темир йўл (млн. т.)	49,0	41,2	42,4	41,5	44,2
Автомобил (млн. т.)	756,8	728,9	691,4	665,7	622,2
Кувурлар орқали (млн.т.)	33,8	41,7	61,3	63,5	61,7
Хаво (минг т.)	20,7	15,8	15,2	20,9	12,4
Сув (минг т.)	103,9	81,0	—	7,6	2,5

\*Жадвал УРси Давлат статистика қўмитасининг «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1998-2002 г.г.» статистик тўпламларининг маълумотлари яосида мауалиф томонидан тузилган.

Юк ташишларнинг бундай кискариши эса шундан далолат берадики, бошқариш билан боғлиқ самараисизлик буғунги куннинг умуний муаммосига айланиб бормоқда. Айни пайтда, фаол инвестицион сиёsat янги муқобил транспорт йўлаклари ва транзит йўналишларини яратишнинг омили сифатида хизмат қилаяпти. Бу эса келгусида нафакат юкларни ташиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга, балки мамлакатимиз худуди орқали хорижий юклар транзитини ва товар айланмасини ўсиши хисобига республикамизни жаҳон савдо тизимига жадалроқ


интеграциялашувини таъминловчи ҳамда ташки иқтисодий алоқалар самарадорлигини оширишга имкон беради.

Хозирги кунда Республикамиз транспорт хўжаликлари олдида астасекин Евроосиё трансконтинентал транспорт йўлакларининг марказида туриб ривожланиш имкониятлари билан боғлик бўлган устунликлардан самарали фойдаланиш вазифаси турибди. Навбатдаги вазифа бу транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятидаги бошқарув услубларини мавжуд ва шаклланётган коммуникацияларга мос равища мувофиқлаштириш муаммосини ечиш билан боғликдир.

Бунда, иқтисодиётнинг ташки очиқлик даражаси икки хил маънони англатади, чунки мамлакат бир вақтнинг ўзида ўз иқтисодиётининг очиқлиги ва уни ташки омилларнинг салбий таъсиrlаридан ҳимоялашдан манфаатдордир. Бундан холоса қилиш мумкинки, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси бир томондан, қарамилик ёки боғликлиик муаммосини, иккинчи томондан миллий хўжаликларнинг ўзаро интеграциялашувининг ўсиб боришини таъминлаш билан бирга иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш муаммосини ҳам келтириб чиқаради.

Шунинг учун ҳам транспорт хизматларининг макроиқтисодий роли ташки иқтисодий фаолиятда икки хил мазмунга эга бўлади. Бир томондан, бунинг асоси самарали фаолият юритишнинг факат иқтисодий омилларига боғлик бўлса, бошқа томондан, бу омиллар мустақил ривожланишнинг умумий шартларига айланади. Сўнгти йилларда Ўзбекистонда экспорт - импорт аҳамиятидаги юк ташишлар кийматининг ўсиб боришига қарамасдан уларнинг микдори ва турларининг ҳам камайиб бораётганлиги

### Ўзбекистонда 1996 - 2002 йилларда ташилган экспорт - импорт юкларнинг турлари бўйича хажми



кузатимоқда (2-расм).

\*2-расм Ўзси давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон халқаро экспедиторлар асоцiasiясининг транспортда логистика ва маркетинг бошкармаларининг 1996-2002 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан чизилган.

Юк ташиш харажатларининг ортиб бориши республикамизнинг халқаро ҳамкорликдаги тутган ўрнининг заифлашиб боришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бевосита мустакил иқтисодий ривожланишга хавф солиб, жаҳондаги транспорт хизматлари бозорида мамлакатимиз юк ташувчиларининг халқаро рақобатлашув даражасининг янада сусайишига олиб келади. Шунинг учун Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг бугунги босқичида миллий иқтисодиётимизни мустакиллик даражасини ошириш омили сифатида турли транспорт хизматларини ва йўналишларини бошқаришда интеграциялашув жараёнларини жадаллаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, замонавий корхона ташки муҳитининг ўзига хос жиҳатлари — тезкорлик, турли-туман фаолият юритиш ва интеграциялашувдан иборатдир. Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикрича, ўтиш иқтисодиётида тез-тез ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик, ҳаёт фаолиятининг тез ўзгариши — барча ривожланган мамлакатларга хос бўлган хусусиятлардир.

Тез ўзгарувчан дунёга самарали мослашув хўжалик субъетларидан янги менежмент услублари ҳал қилувчи рол ўйнайдиган самарали ташкилий тузилмаларни талаб қиласди. Аввал одат тусиға кириб қолган бўлинмаларни қатъий бошқариш функциялари ва ходимларнинг мажбуриятлари тўғридан-тўғри белгилаб берувчи ташкилий тузилмалар бутун нафақат янгича талабларга мос келмай, балки ўз кўламига кўра миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам хавф солиши мумкин.

Шунинг учун ҳам тез ўзгарувчан ташки муҳит ихчам, мослашувчан тузилмаларни шаклланишини тақозо этади. Бу тузилмалар нафақат ташки муҳит ўзгаришларига қаршилик кўрсатмаган ҳолда, у билан бирга ўзгариб бориши керак. Бошқарув тизимлари ва ташки муҳит параллел ўзгаришининг бундай жиҳатлари бошқарувнинг мутлақо янги мазмунини шакллантириб боради.

Бундай бошқарув тизимининг асосий элементларидан бири — талаб динамикасининг ўзгаришига йўналтирилган бўлиши лозим. Натижада менежмент самарадорлигининг бош мезони сифатида фаолият кўрсатувчи ва ривожланувчи тизимга эга бўлишимиз мумкин. Буларнинг барчаси транспорт хизматларини самарали бошқариш жараёни билан узвий боғлик.

Тадқиқотларимизнинг натижасида транспорт мажмуасида менежментнинг такомиллаштиришнинг энг фаол ривожланаётган йўналишларидан бири, логистик менежмент концепцияларидан фойдаланиш натижасида олинган ютукларни амалиётга жорий этиш билан боғлик эканлиги исботланди. Айнан логистика самарадорликнинг тизими мезонларига тўлиқ жавоб берувчи бошқарув тузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон яратади.

Транспорт хизматлари тизимларини интеграциялаштириш асосини глобал унификациялаш ва транспорт тизимларини автоматлашган бошқарув модуллари ёрдамида самарали бошқариш ғояси ташкил этади. Бу эса ўз навбатида юкларни етказиб бериш ва бу хизматларнинг сифат даражасини

формаллаштириш билан боғлик жараёнларга янада кўпроқ назарий ва амалий эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Тадқикотларнинг кўрсатишича, транспорт тармогининг кундан-кунга кўпайиб бораётган ресурсларининг самарасиз бошқарилиши энг аввало, эски маъмурий тузилмаларнинг сақланиб қолаётганлиги билан боғлик деган хуносага келдик. Ҳозирги вақтда республикамизнинг бешта ташкилоти (Давлатавианазорат, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, “Ўздавтемирйўлназорат”, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти Агентлиги) мамлакат транспорт мажмуасини тартибга солишда бевосита иштирок этмоқдалар. Бу ташкилотларнинг фаолияти асосан, фискал хусусиятга эга бўлиб келмоқда.

Ҳозиргача республикамида транспорт сиёсатини ва юк ташувчилар фаолиятини мувофикалаштирувчи маъсул ташкилот мавжуд эмас. Барча транспорт турларидаги ҳаракатланувчи парк таркиби жисмоний ва маънавий эскирган, транспорт соҳасига инвестицияларни жалб этиш эса ҳозирча мувофикалаштирилмай колмоқда. Шунингдек, юк ташувчиларни тариф сиёсатини давлат томонидан мувофикалаштириш ҳалқаро талаблар даражасида йўлга кўйилмаган. Натижада, транспорт-экспедиторлик хизматлари бозори, уни деярли эгаллаб бўлган хорижий компанияларнинг ўзаро рақобат майдонига айланиб, юк ташувчилар хизматининг киймати доимий равища ўсиб бормоқда.

Шу муносабат билан республикамида транспорт хизматлари бозоридаги фаолиятни мувофикалаштирувчи Миллий логистик транспорт корпорациясини шакллантириш таклифини ишлаб чиқдик. Ушбу корпорациянинг фаолияти қуидаги масалаларни қамраб олиши мумкин:

- ҳукуқ, солиқ ва тарифлар орқали тартибга солиш транспорт хизматларини;
- юк ташишни лицензиялаш ва сертификатлаш, шу жумладан транспорт бозорига кириб боришни тартибга солиш;
- юкларни ташиш бўйича тендерлар ўтказишини ташкил этиш;
- транспорт фаолиятини инспекциядан ўтказиш ва назорат қилиш;
- транспорт саноатидаги ишлаб чиқаришни юк ташувчилар эҳтиёжига мослаштириш ва хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибасини жорий этиш;
- кадрлар сиёсатини самарали амалга ошириш;
- жаҳон транспорт тизимига интеграциялашувни ҳисобга олган ҳолда транспорт мажмуасини ривожлантиришнинг стратегик ресурсларини ишлаб чиқиш орқали ўз концепциясини қабул қилиш.

Ушбу корпорациянинг тузилиши, яни транспорт хизматлари кўрсатувчи барча субъектларини интеграциялаштириш, республика транспорт тизимидағи ўзаро тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатаётган идоравий бошқарувни бартараф этиш ва давлат маблағларини иктисад қилиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда транспортни бошқариш бўйича давлат органлари ходимларининг штат бўйича сони 713 кишини (3-жадвал) ташкил қилиб, уларнинг аксарияти ўзаро ўхшаш, бир-бирини тақорловчи функцияларни бажарувчи лавозимларни эгаллаб туришибди.

Биз таклиф этаётган Миллий логистик транспорт корпорациясини тузиш юқоридаги жадвалда акс этирилган штатлар мөндорини 50 фоизгача қисқартириш имкониятини беради. Ушбу янги тузилмани ташкил этиш ва бошқаришни бозор тамойиллари асосида шакллантириш лозим. Бу мұаммоми ҳал этишда эса айни логистик менежмент услубларидан фойдаланиш мәксадға мувофиқдир.

**3-жадвал. Ўзбекистонда транспорт соһасындағы давлат органдары ва идораларида банд бўлган марказий ва ижроия аппарати ходимларининг сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари)**

№	Давлат органдарынинг номи	Ходимларнинг штат бўйича сони			Ходимларнинг чегараланган сонини белгиловчи Ўрси Вазирлар Махкамасининг Карорлари	
		Жами кишилар	Жумладан:			
			Рахбар ходимлар	Колгандар ходимлар		
1	Дававианазорат	67	3 (1+2)	64	1998 йил 16-июндаги 255-сонли карори	
2	“Ўзбекистон ҳаво йўлари” МАҚ	120	6 (1+5)	114	1992 4-февралдаги 44-сонли карори	
3	“Ўзавтотемирйўлназорат”	79	3 (2+1)	39+37*	2001 йил 3-мартдаги 109-сонли карори	
4	“Ўзбекистон темир йўлари” ДАТК	164	6 (1+5)	158	2001 йил 3-мартдаги 108-сонли карори	
5	Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти Агентлиги	171	3 (1+2)	24+144*	2001 йил 5-июнчаги 245-сонли карори	
6	“Тошшаҳарнастранс”	57	3 (1+2)	54	1992 йил 5-июндаги 266-сонли карори	
7	“Ўзавтойўл” Давлат акционерлик концерни	55	4 (1+3)	51	1993 йил 5-февралдаги 58-сонли карори	
<b>Жами:</b>		<b>713</b>	<b>28(7+21)</b>	<b>504+181*</b>		

\*2002 йил 6-7 июн кунларидаги бўлиб ўтган «Единое транспортное пространство» мавзусидаги конференция материаллари, Астана. Қозогистон Республикаси.

Янги миллий транспорт корпорациясининг асосий вазифаларидан бири мамлакатда самараали фаолият кўрсатувчи ва нодавлат мулк шаклидаги турли субъектлар билан ҳамкорлик қила оладиган логистика марказлари тизимини яратишдан иборат.

Бундан ташқари, тармоқнинг интенсив ривожланишини таъминлаш учун юк ташишлар тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор. Йирик логистика марказларини куриш лойиҳаларини амалга ошириш зарур. Бундай лойиҳалардан бири, биз томондан таклиф этаётган, Ўрта Осиё ва Қозогистонда ўшаши бўлмаган, “Тошкент” ҳалқаро логистика марказидир.

Лойиҳанинг муваффакиятли якунланиши логистиканинг куйидаги қатор, турли-туман хизматларига йўл очиб беради, яъни: контейнер терминалидан фойдаланиш; божхона кўргиги; омборларга жойлаш, шу жумладан, маҳсус шароитлар яратишни талаб этадиган товарларни омборларга жойлаштириш; юкларни қайта ишлаш, ўраш ва тақсимлаш; юк

контейнерларни таъмираш ва уларга хизмат кўрсатиш; пахта ва бошқа юклар учун авто ва темир йўл интерфейсини ривожлантириш; автомобилларга хизмат кўрсатиш марказини яратиш; юк ташиш тарифларини ва транспорт турларини танлаш, транспорт консалтинги хизматларини такомиллаштириш.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга эга транскавказ йўлаги бўйича юк оқимлари ҳажмини кўпайтириш учун куйидаги усусларни кўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ушбу йўлак қатнашчилари бўлган давлатларнинг барча темир йўл бошқармалари тўрт томонлама битим шартларини тўлиқ бажаришлари ва ушбу давлатлар ҳудуди бўйлаб транзит ва юк ташиш билан шуғулланувчи транспорт-экспедиторлик компанияларини қайси давлатга тегишилиги ва мулк шаклидан қатын назар, 50 фоизли чегирмалар берилиши зарур.

Иккинчидан, юклар бўйича экспорт/импорт шартномаларини тузиш чоғида транспорт-экспедиторлик ташкилот (компания) ларининг бевосита иштирок этиши тавсия қилинади.

Учинчидан, имкониятлардан келиб чикиб, йилига икки марта, ёки энг камида бир марта нодавлат даражасида йирик транспорт-экспедиторлик ташкилотлари, юк ташувчилар, юк эгалари, хорижий инвесторлар, божхона хизмагчилари, яъни транспорт жараёнига алоқадор бўлган шахсларни жалб килган холда кенгайтирилган семинарлар ўтказиш мақсадга мувофиқидир.

Темир йўллар орқали юкларни Ўзбекистон Республикаси га келтиришда ва уларга ушбу йўналишлардаги портларда, кемаларда хизмат кўрсатиш тарифлари даражасини баркарорлаштириш зарур. Ўзгариб бораётган тарифлар тўғрисидаги майдумотларни аввал имзоланган тўрт томонлама Давлатлараро шартномасидаги хужжатларга қатъий равишда киритиб бориш ва имзолаш муаммолини ҳам ҳал этиш зарур.

Умуман олганда, Транскавказ йўлаги бўйича давлатлараро даражада логистика занжирини шакллантириш лозим. Бу етарлича объектив жараёндир, чунки йўлакнинг фаолият доираси кенгайиб бораверади ва бунда Ўзбекистон томони фаол ўрин эгаллаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё пахта биржасини яратиш — логистика марказлари тизимини ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир муҳим лойиҳадир. Пахта биржасини очиш учун республикамиз ҳудудида пахтани қабул қилиш, саклаш, сертификатлаш ва сотилганидан сўнг уни контейнерларга юкланиши таъминлайдиган пахта терминаллари шоҳобчаларини яратиш зарур.

Фикримизча, логистика марказлари тизимларини шакллантириш воситасида Ўзбекистон Республикаси иктисадиётини жаҳон хўжалиги жараёнларига интеграциялашувини жадаллаштириш ва иктисадиётни эркинлаштиришдаги асосий стратегик вазифалардан бири бўлиши мумкин. Шунингдек, бу маҳаллий юк ташувчиларни жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлигининг кучайишига имкон яратади.

Хозирги вақтда транспорт хизматларини кўрсатишнинг катор хусусиятлари билан бирга маҳаллий транспорт хизматини кўрсатувчиларнинг хиссаси нафақат ҳалқаро бозорларда, балки

республикамиз миқёсидағи юк ташиш соҳаларидаги улушкини ҳам кескин камайиб бориши кузатилмоқда. Бундай холатнинг асосий сабабини транспорт хизматлари мажмуасини бошқаришининг нафакат республикамиз миқёсида, балки ташки иқтисодий фаолият жараённида ҳам анча эскирганлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси юк ташувчилар ва экспедиторлар ассоциацияси томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотларининг натижаларига кўра, ҳозирги вактда маҳаллий юк жўнатувчилар ва юк олувчилар юкларни халкаро йўналишларда ташишларнинг 75 фоизи хорижий транспорт компаниялари томонидан амалга оширилмоқда. Амалда маҳаллий юк ташувчиларнинг транспорт хизматлари бозорида кўрсатаётган хизматлари учун бирмунча паст тарифларни белгилаш орқали аста-секин сиқиб чиқариш ҳолатлари рўй бермоқда.

Маҳаллий юк ташувчиларнинг ракобатбардошлигига таъсир этувчи яна бир жиддий омил бўлиб транспорт хизматлари бозорида кўшни давлатлар вакилларининг олиб бораётган экспансия сиёсати ҳам сабабидир. Улар ўзларининг транспорт хизматларига жалб қилиш, янада кўпроқ мижозларни ўзларига тортиш бўйича фаоллик билан чора-тадбирлар кўрмоқдалар. Евроосиё деб аталувчи транзитни амалда фаоллик билан ишлаб чиқиш өзазига улар ҳозирги вактда ракобатда ютиб чикмоқдалар.

Маҳаллий юк ташувчиларни халкаро бозорлардаги ракобатбардошлигининг ошиб боришини рағбатлантириш максадида бу ракобатбардошликни пасайиб боришининг ички сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги биринчи қадам Миллий логистик транспорт корпорациясини яратиш бўлиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Транспорт хизмати кўрсатувчи барча субъектларни жамловчи бундай тузилмани яратиш республика транспортининг идоравий тарқоқлигини бартараф этиш, логистика тамойиллари асосида менежментни ташкил этиш имкониятларининг асосий шарти ҳисобланади.

Фақатгина юкорида эътироф этилган менежментни амалга ошириш шароитидагина янги транспорт коммуникациялари ва логистика марказларини куриш учун республикамиз томонидан илгари сарфланган маблағлардан самарали фойдаланиш имконияти туғилади. Бунда, Миллий логистик транспорт корпорациясининг фаолияти нафакат давлат ресурсларидан фойдаланишга, балки барча маҳаллий юк ташувчиларни транспорт хизматлари бозоридаги биргаликдаги ҳаракатларининг самарали йўлларини излашга йўналтирилиши мумкин.

### 3. Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда истиқболни кўзлаб фикр қиласиган бўлсак, айнан транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида логистик менежмент услубларини жорий этиш кўпчилик транспорт корхоналаримизга ўз молиявий аҳволини ўнглаб олишга, ички ва ташки бозорлардаги мавқеларини мустаҳкамлашга, соҳа бозоридаги рейтинг кўрсаткичларини юкори кўтаришга, хизмат кўрсатиш турлари кўламини ва ташиладиган юк

ҳажмларини оширишга ва энг мухими, етакчи хорижий фирмаларнинг шахсий пурратчиси бўлишдек, шахсни ҳам жисмоний ҳам юридик жиҳатдан камситувчи вазифадан батамом воз кечиб, вазиятни назорат килиш жиловини ўз қўлларига олишлари учун қулай шарт-шароит яратиб беради.

Фарб мамлакатларининг илфор тажрибаларидан маълум бўлдики, транспорт хизматини кўрсатиш соҳасида жиддий ўзгаришларни амалга оширмоқ учун кенг кўламда халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган янги технологияларни амалиётта жорий этиш лозимdir. Бунинг учун соҳадаги мутасадди шахслар ва иш бошқарувчilar логистика нуктаи-назаридан фикрлашни ўрганишлари, логистиканинг замонавий талабларидан боҳбар бўлишлари, замон талабларига жавоб бера оладиган иш юритиш тамойилларини ўзлаштиришлари даркордир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан холда қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик.

1. Транспорт мажмуасини жадал ривожлантириш ва бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланган холда, биринчи навбатда, ташки савдони ривожлантириш ва унинг юқори даражаларига эришиш лозим. Бунинг учун транспорт соҳасига жалб этилаётган реал инвестицияларни харакатдаги техник паркни янгилашга, транспортда юқ ташишнинг халқаро стандартлари ва технологияларини жорий этишга йўналтириш зарур. Бу эса транспорт хизматларининг ЯММдаги улушкини баркарор ўсиб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратади.

2. Пахта толасини хорижга экспорт килиш ва етказиб беришни ташкил этиш мисолида амалиётдаги логистик менежмент механизми ўрганиб чиқилди ва уни такомиллаштиришнинг логистик бошқарув тизими тавсия этилди. Ушбу тизимда ташки савдонинг асосий бўғинлари, яъни “сотувчи” ва “олувчи” ўртасидаги бевосита муносабатлар ўрнатилиб, бу жараён горизонтал усулда бошқарилади. Бошқарувнинг бундай тизими давлат органлари ва уларга қарашли компанияларнинг иштироқидан ва назоратидан ҳолис бўлиб, маҳсулотлар бевосита ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўргасидаги шартномага асосан мамлакат вилоятлари худудидаги маҳсус терминаллардан (логистика Марказларидан) сотилиши ва экспортга жўнатилиши мумкин.

3. Юқоридаги горизонтал логистик бошқарув тизимини жорий этиш учун транспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналар мавжуд бошқарув тизимини шаклланаётган янги бошқарув тизими ва коммуникацияларига мувофиқлаштириш муаммосини ҳал этишлари лозим.

4. Сўнги йилларда Ўзбекистонда экспорт-импорт юкларини таиш қийматини ўсиб бориши билан уларнинг микдори ва турларини камайиб бораётганлиги аниқланди. Бу жараёнда юқ таиш харажатларининг ошиб бориши мамлакатимизнинг халқаро бозорлардаги тутган мавқенини заифлашувига сабаб бўлиб, бевосита мустақил иктиносий ривожланишга ҳавф солаётганлиги таҳлиллар ёрдамида асослаб берилди.

5. Экспорт-импорт юкларини жўнатиш манзилидан мўлжалдаги манзилгача кузатиб бориш, юкнинг хусусиятларини инобатга олиб туриб алоҳида транспорт воситасини танлаш, юкларга омборхоналарда тегишлича

зарур ишловларни бериш, стивидорлик (юкни ортиш ва тушириш жараёнларини кузатувчи шахс) ва шу каби ўзига хос операцияларни жорий этиш, маркетинг таҳлилларини уюштириш каби масалаларга диккат-эътиборни кучайтириш керак.

6. Тадқиқотимиз натижасида логистик менежмент транспорт мажмуасида бошқарувни такомиллаштиришнинг энг самарали ва фаол ривожланаётган концепцияларидан бири эканлиги аникланди. Бугунги кунда айнан логистик менежмент самараодорликнинг тизими мезонларига тўлиқ жавоб берувчи бошқарув тузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради. Пировардида логистик тизимнинг ташкилий тузилмаси давлат ресурсларини тақсимлашга эмас, балки ривожланиб бораётган бозор талабини энг оптимал равишда қондиришга йўналтирилган бўлиши керак.

7. Тадқиқотимизда таклиф этилган Миллий транспорт корпорациясининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимизда самарали фаолият кўрсата олувчи ҳамда нодавлат мулк шаклидаги турли субъектлар фаолиятини мувофиқлаштира оладиган логистика Марказлари тизимини яратишига қаратилган бўлиши кераклиги асослаб берилди. Бу эса транспорт хизматларини кўрсатувчи барча субъектларни идоравий тарқоқлигини бартараф этиш ва логистик тамойиллар асосида менежментни ташкил этиш имкониятини яратади. Бунинг учун логистика Марказларини, жумладан, "Тошкент" ҳалқаро логистика Маркази сингари лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

8. Бундан ташқари, юк ташиш жараёнлари устидан замонавий электрон, коммуникацион ва информацион технологиялар воситасида амалга ошириладиган комплекс назорат шаклини ўрнатиш даркор. Транспорт воситалари ёрдамида хизмат кўрсатиш жараёнларининг хавфсизлигини ва ишончлилигини таъминлаш учун «on line» (интернет тармоғида узлуксиз алоқа) орқали вазиятни назорат қилиш технологиясини жорий этиш ва шу тариқа юклар харакатидаги маршрутларда кутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш имкониятларини таъминлаш зарур.

### **Диссертация мавзуси ва натижалари бўйича қўйидаги илмий мақолалар ва тезислар чоп этилган:**

1. Матчонов Х.С. Принципы организации и тенденции развития мультимодальных перевозок // «Экономический вестник Узбекистана», 3/2002. стр. 45-48
2. Матчонов Х.С. «Demiryolu tashimasina artish var» (Темир йўллар орқали юк ташишнинг ўсиб бориши) // Туркияning «Kobi Efor» ойлик журналининг 2001 йил декабр ойи 85-бет.
3. Матчонов Х.С. Управление интермодальными транспортными системами в условиях интеграции и глобализации экономики // «Международный экспедитор» (Россия), №2 от 2002 г. стр. 34-35.
4. Матчонов Х.С. Парцелльные перевозки в управлении транспортными услугами// Пятнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов (26 апреля 2002 г). –М.: Рос.экон.акад., 2002 г. стр. 406-409.

5. Матчонов Х.С. UPM, Ihjaret ciyi demityolu ile tasiyor // IHRACAT DUNYASI 2002, Турция, 298 бет.
6. Матчонов Х.С. Tasimacilikta sunlamamis olani sunmak «Kabi Efor»// Туркияning ойлик журнали, 2002 йил июнь, 106 бет.
7. Матчонов Х.С. Транспортная логистика и Интернет // «Международный экспедитор» (Россия), №4 от 2002 г. стр. 40-41.
8. Матчонов Х.С.Совершенствование системы скоростной доставки грузов в международном сообщении // «Международный экспедитор» (Россия), №1 от 2003г., стр. 39.
9. Матчонов Х.С. Ўзбекистон Республикасида транспорт мажмусини бошқаришни такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси хузуридаги ДЖҚА қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиларининг илмий ишлар тўплами, Т: 2003, «Akadem-hizmat» босмахонаси, 57-80 бетлар.
10. Матчонов Х.С. Транспорт хизматларини бошқариш тизимида логистик услублардан самарали фойдаланиш муаммолари // «Ўзбекистон иктисадий ахборотномаси», 7/2003. 6-7 бетлар.

Тадқиқотчи:



**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор  
Матчонов Хоким Садуллаевичнинг 08.00.05 – «Менежмент»  
иҳтиносслиги бўйича «Ўзбекистон Республикасида транспорт  
хизматлари мажмуасини бошқаришни такомиллаштириш»  
мавзусидаги диссертациясининг  
ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Калитли сўзлар:** транспорт мажмуаси, логистика, менежмент, экспорт - импорт, коносамент, стратегия, мультимодал ва юнимодал юк ташиш тизимлари, коммуникациялар, транзит, инвестиция, самарадорлик, логистик марказ.

**Тадқиқот обьекти.** Ўзбекистон Республикаси транспорт хўжаликлари мажмуасидаги автокорхона ва ташкилотларнинг экспорт-импорт юкларини ташиш соҳасидаги фаолияти тадқиқ этилган.

**Тадқиқот предмети.** Логистик менежмент принципларига асосланган ҳолда транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий менежментни шакллантиришнинг назарий муаммоларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида транспорт хизматлари мажмуасидаги импорт ва экспорт юкларини ташиш жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методи:** илмий абстракция, тизимли ёндошув, функционал-тузилмавий таҳлил ва ўзаро таққослаш усулларидан фойдаланилган.

**Олинган натижаларнинг илмий янгилиги** кўйидагилардан иборат:

- тадқиқот натижасида транспорт ва коммуникация соҳаларида инвестицион фаолликнинг ўсиб бориши билан ялпи миллий маҳсулот таркибида тармокнинг «улушини» пасайиб бориш тенденциялари ўргасидаги фарқ аникланди;

- экспорт-импорт юкларини ташиш қиймати ўсиши билан бир вактда уларнинг ҳажмлари ва ассортиментининг қисқариш тенденциялари очиб берилди;

- бутунги кунда фақатгина логистика транспорт хизматлари мажмуасида самарали менежментнинг тизимли мезонлари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган бошқарув тузилмасини яратиш имкониятини бериши мумкинлиги асослаб берилди;

- транспорт хизматларини интеграциялаштириш омили сифатида транспорт хизматлари мажмуасини бошқаришнинг модулли тамойилидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигига далиллар келтирилди.

- транспорт хизматини кўрсатувчи корхоналарда менежмент даражасини мавжуд коммуникацияларга мослаштиришнинг аниқ усуллари таклиф килинди;

- Миллий логистик транспорт корпорациясини ташкил этиш ва логистика Марказлари тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлган аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, транспорт хизматлари бозорида

миллий юк ташувчилар ракобатбардошлиги пасайиб боришининг асосий йўналишлари ва бу салбий тенденцияларни бартараф этишнинг бошқарув билан боғлик сабаблари ҳам аникланди.

**Амалий аҳамияти:** Ишлаб чиқилган амалий таклифлардан республикамизда Логистик Марказларни яратиш билан боғлик лойиҳаларни амалга оширишда, Олий ўкув юртларида ва Олий бизнес мактабларида «Стратегик менежмент», «Транспорт логистикаси ва уни бошқариш муаммолари», ҳамда «Ташки иқтисодий фаолиятни бошқариш» маҳсус курслари бўйича таълим бериш жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий муносабатлар Агентлиги томонидан транспорт-экспедиторлик ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлик долзарб чора-тадбирларни ишлаб чиқиша фойдаланиш мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқотнинг асосий натижалари умумий ҳисобда б та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Диссертация натижалари Ўзбекистон Халқаро Экспедиторлар Ассоциацияси ва Бухоро Транс-Терминал (Логистик марказ) акционерлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилиниши натижасида маълум иқтисодий самарадорликка эришилган. Ушбуни тасдиқловчи маълумотномалар ҳам мавжуд.

**Қўлланиш соҳаси:** Тадқиқот натижаларини бевосита транспорт компанияларини ва республикамизда Логистик Марказлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамда таълим бериш жараёnlарида қўллаш мумкин.

## **Резюме**

**диссертации Матчанова Х.С. на тему «Совершенствование управления комплексом транспортных услуг в Республике Узбекистан» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05- «Менеджмент»**

**Ключевые слова:** транспортный комплекс, логистика, менеджмент, экспорт-импорт, коносамент, стратегия, мультимодальный и юнимодальный, системы перевозки, коммуникации, транзит, инвестиции, эффективность, логистический центр.

**Объекты исследования:** является хозяйственная деятельность автотранспортных предприятий и организаций республиканского комплекса транспортных услуг по перевозке экспортно-импортных грузов.

**Предмет исследования:** являются теоретические проблемы формирования современной системы логистического менеджмента в сфере транспортных услуг.

**Цель работы:** разработка стратегии совершенствования управления процессами перевозки экспортно-импортных грузов в транспортном комплексе Республики Узбекистан в условиях либерализации национальной экономики.

**Методы исследования:** в работе использованы методы научной абстракции, системного подхода, сравнительного и структурно-функционального анализа.

**Научная новизна** результатов исследования заключается в следующем:

- выявлено расхождение между ростом инвестиционной активности в сфере транспорта и коммуникаций и сохраняющимся прежним «вкладом» отрасли в создание валового национального продукта;

- раскрыта тенденция сокращения объемов и ассортимента перевозок экспортно-импортных грузов при одновременном росте стоимости этих перевозок;

- аргументировано, что только логистика позволяет создать структуру управления, которая наиболее полно отвечает системным критериям эффективного менеджмента в транспортном комплексе;

- приведены аргументы целесообразности использования модульного принципа управления комплексом транспортных услуг как фактора его необходимой интеграции;

- предложены конкретные способы приведения уровня менеджмента предприятий, оказывающих транспортные услуги, в соответствие с имеющимися коммуникациями;

- выработаны предложения по созданию Национальной логистической транспортной корпорации и формированию системы логистических центров, а также выявлены основные причины снижения конкурентоспособности национальных участников на рынке транспортных

услуг и определены управленческие предпосылки преодоления этой негативной тенденции.

**Практическая значимость:** разработанные в ходе исследования предложения могут быть применены в ходе реализации проектов по созданию Логистических Центров, в процессе преподавания в Высших учебных заведениях и в системе Высших школ бизнеса (МВА) спецкурсов по «Стратегический менеджмент», «Транспортная логистика и проблемы ее управления», а также «Управление внешнеэкономической деятельностью». Так же, практические результаты исследования могут быть полезны в разработке Кабинетом Министров Республики Узбекистан, Министерством Экономики Республики Узбекистан и Агентством внешнеэкономических отношений Республики Узбекистан в разработке мер и положений по совершенствованию организации и управления деятельностью транспортно-экспедиторских организаций.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Основные научные положения исследования докладывались и обсуждалось в более чем 6 международных и республиканских научно-практических конференциях. Основные практические предложения исследования были использованы в деятельности Международной Ассоциации Экспедиторов Узбекистана и Акционерным обществом Бухара Транс-Терминал в результате, которого получен определенный экономический эффект, о чём имеются подтверждающие справки.

**Область применения:** Результаты исследования могут быть непосредственно применены в транспортных компаниях, учебных процессах, а также при организации и управлении Логистических Центров в Узбекистане.

## R E S U M E

on the thesis of «The management perfection of transport services complex in the Republic of Uzbekistan» made by H.S.Matchanov on the academic degree competition of the candidate of economic sciences.

**Specialty** 08.00.05. - Management

**Key words:** transport complex, logistics, management, export-import, conosament, strategy, multi-module and unimodule transportation systems, communications, transit, investments, effectiveness, logistic centre.

**Objects of the research:** is the economy activity of transport enterprises and organization of the republican complex of transport services on export – import cargo transportation.

**Subjects of the inquiry:** are the theoretical problems of a modern system of logistic management's formation in a sphere of transport services. actual processes of the management perfection in a sphere of providing services in transportation of export and import cargo by the enterprises including into the transport complex of the Republic of Uzbekistan and also the theoretical problems in forming of the effective management in the given sphere using the principles of the logistical management.

**Aim of the inquiry:** working out of a strategy in the management perfection of the transportation processes of export and import cargo in the transport complex of the Republic of Uzbekistan in the conditions of liberalization of the national economy.

**Methods of inquiry:** methods of scientific abstraction, system approach, comparative, structural and functional analysis were used in the work.

**The results achieved and their novelty:** Scientific novelty of the investigation is concluded in the following:

- revealed the divergence between the growth of investment activity in the sphere of transport and communications and the preserved former «contribution» of the branch in creating the Gross National Product.
- opened the reduction tendency of volumes and range in transportation of export and import cargo at the simultaneous cost growth of the transportation;
- proved that only logistics allows to make the management structure which more or less fully meets the system criteria of effective management in the transport complex;
- presented the arguments of expedient use of the module principle of management in the complex of transport services as a factor of its necessary integration;
- proposed the concrete ways of putting the management level in the enterprises providing transport services into accordance with the available communications;
- worked out the proposals for creating of the National Logistical Transport Corporation and forming the system of logistical centres and also are revealed

the main reasons of lowering of the competition ability of the national participants in the market of transport services and the managerial preconditions of overcoming this negative tendency are determinant too.

**Practical value:** The proposals worked out during the investigation can be used in the process of projects realization on creating Logistical Centres, in the teaching process at Higher educational institutions and at the system of Higher Schools for Business (MBA) and in special courses on «Strategic Management», «Transport logistics and problems of its management» and «Foreign Economic Activity Management» as well. The practical results of the investigation can be useful to the Cabinet of Ministers, to the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan, to the Agency of foreign economic relations of the Republic of Uzbekistan in working out the measures and resolutions on the organization and management activity perfection of transport and expedition enterprises.

**Degrees of embed and economic effectiveness:** The main scientific grounds of the investigation are presented and discussed more than at 6 International and Republican scientific and practical conferences. The main practical proposals of the investigation were used in the activity of the International Forwarders' Association of Uzbekistan and in the Joint-Stock Society Bukhara Trans-Terminal and as the result of which, the definite economic effect was received. There are some proving references about it.

**Sphere of usage:** The results of the investigation can be spontaneously used in transport companies, teaching processes, and also at the organization and management of Logistical Centres in Uzbekistan.